كَابَرَ гердаймоқ

كَبَرَ (y) كِبْرٌ катта бўлмоқ,  
катталашмоқ

كَتَفٌ елка

كَثِيرًا مَا қўпинча



كَذِبٌ алдов, алдамчилик  
 كَرَمٌ бағри кенглик; الصَّيْفَةِ كَرَمٌ  
 меҳмондўстлик; أَهْلُ الْكَرَمِ  
 саховатлилар  
 كُفْرٌ куфрлик  
 كَلْبٌ кўп. كِلَابٌ ит  
 II كَلْفٌ (мас. фалон сўм)  
 турмоқ, баҳоланмоқ  
 II كَمَلٌ тугатмоқ, ниҳоясига  
 етказмоқ  
 كَهْلٌ ўрта ёшли одам  
 لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ Аллохдан бошқа  
 илох йўқ  
 لَا بَأْسَ ҳечқиси йўқ, ёмон  
 эмас  
 لَاغِبٌ чарчоқ, ҳолдан тойган  
 لَامِعٌ ялтироқ  
 لَطِيفٌ кўп. لَطَافٌ мулойим  
 لَفْظٌ кўп. أَلْفَاظٌ сўз, ибора  
 لَوْحَةٌ картина, сурат, панно  
 لَوْحَةٌ زَيْبِيَّةٌ ёғли бўёқ билан  
 ишланган сурат  
 لَيْسَ (لا) ... فَحَسْبُ بَلْ...  
 нафақат..., балки...,

...- гина эмас, балки...  
 لِنَامٌ кўп. لَيْمٌ пасткаш  
 مَارًا кўп. مَارَةٌ йўловчи, пиёда  
 مَالٌ кўп. أَمْوَالٌ пул  
 مَبْشَرَةٌ амалга ошириш; ~ бе-  
 восита, тўғридан-тўғри  
 مِبَالَةٌ эътибор бериш; بِاللَّيْ  
 эътиборсизлик билан  
 مِثْرَوٌ метро  
 مُتَنَسِّكٌ қаландар, таркидунё  
 қилган киши  
 مَثَلٌ кўп. أَمْثَالٌ мақол, матал  
 مُجْرَدٌ оддий; ~ ب...нинг ўзи  
 مَجْمَعٌ мажмуа, комплекс  
 مَجْمَعُ الْمَصَانِعِ комбинат  
 مَحْجُوزٌ банд, бўш эмас  
 مَحَلٌّ магазин  
 مَخْرَجٌ кўп. مَخَارِجٌ чиқиш йўли  
 مَذْهُوْكٌ эзилган, эзиб юмша-  
 тилган; ~ بِطَاطِسُنْ картошка  
 пюреси  
 مَرْعُوبٌ кўрқувга тушган,  
 хуркиган

مُضَادُّ зид, тескари  
 مَعَ السَّلَامَةِ хайр, кўришгунча  
 مَعَادُنُ кўп. مَعَادُنُ металл  
 مَقْلِيَّ қайнатилган  
 مَقَاهِ кўп. مَقَاهِ қаҳвахона  
 مَكْبَرُ катталаштирувчи  
 مَكْبَرِ الصَّوْتِ овоз кучайтиргич  
 مَكْرُونَةٌ макарон  
 مَكْعَبٌ куб, куб шаклидаги  
 مَلَّ (a) مَلَّ зерикмоқ  
 مِلْحٌ шўр  
 مَلْخُوْطٌ сезиларли  
 مَمْلَحَةٌ туздон  
 مُنْحَفَضٌ пастлик, пасттекис-  
 лик  
 مَنَشُوْدٌ қидирилган, ахтарилла-  
 ётган  
 مَوْأَخَذَةٌ гина; لَا ~ айбга  
 кўшманг!, кечирасиз!  
 مَوْجٌ кўп. أَمْوَاجٌ тўлқин  
 مَاضِجٌ пишган, етилган  
 نَاطِرٌ қўз

III نَاقَشَ муҳокама қилмоқ,  
 баҳслашмоқ  
 III نَاقِضٌ зиддиятда бўлмоқ,  
 зид бўлмоқ  
 نَحِيْلٌ новча, сарвқомат  
 نَحِيْلٌ хурмо дарахти  
 I نَدَا (y) نَدُوْ баланд бўлмоқ,  
 баланд овозли бўлмоқ  
 I نَسَبٌ (u) نَسَبٌ мансуб  
 (тегишли) деб ҳисоб-  
 ламоқ, йўймоқ  
 نَسِيْمٌ шабада  
 I نَشَبٌ (a) نَشُوْبٌ бошланиб  
 кетмоқ  
 I نَقِصٌ (y) نَقِصٌ камчил  
 бўлмоқ  
 I نَمَى (u) نَمَاءٌ ўсмоқ, кўпаймоқ  
 نَهَارُكَ سَعِيْدٌ салом, хайрли  
 кун!  
 نُوْرٌ кўп. أَنْوَارٌ нур; النَّيُّونُ-  
 неон лампалари  
 II نَوْمٌ ухлатмоқ  
 نَوْمٌ مَغْنَطِيْسِيّ гипноз  
 هَائِلٌ улкан, кучли

I	هُبُوطٌ (u) ҺҮБОҮ тушмоқ,	وَشَكٌّ	тезлик, яқинлик;	عَلَى
	пастламоқ		...~	арафасида
	هُدَيْرٌ гумбурлаш, дангиллаш	وَصْنَعٌ	вазият	
	هُوْلٌ даҳшат, кўрқув	وَعْدٌ	ваъда	
	وَاقِعٌ воқелик	وُفُوفٌ	тик туриш, туриш	
	وَحِيدٌ ягона	يَأَقَّةٌ	ёқа	
	وَرَقٌ кўп. أَوْراقٌ барг, япрок	أَيْتَامٌ	етим	
	وَسَاطَةٌ воситачилик	يَدٌ عَامِلَةٌ	ишчи кучи	

### § 108. VI БОБ ФЕЪЛИ

426-машқ. Қуйидаги сўзлардан VI боб феъли ҳосил қилинг ва уларнинг маъносини аниқлашга уриниб кўринг:

جَهَالَةٌ - билимсизлик; جَادِيَّةٌ - жалб этиш; مُصَافِحَةٌ - қўл бериб сўрашиш; سُقُوطٌ - тушиш, ёғиш; خِصَامٌ - жанжаллашиш; ظُهُورٌ - кўриниш; كَثِيرٌ - кўп; اِنْدَالٌ - алмаштириш; نِزَاعٌ - зиддият, низо; شِجَارٌ - даҳанаки жанг; عِدْلٌ - тенг, баравар; مَلَكٌ - эга бўлмоқ.

427-машқ. Қуйидаги феълларни ўтган ва қозирги-келаси замонда тусланг:

- |                |                |                |                |                |
|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| (1) تَبَادَلٌ  | (2) تَشَاجَرَ  | (3) تَعَامَلَ  | (4) تَحَامَلَ  | (5) تَظَاهَرَ  |
| (6) تَسَافَطٌ  | (7) تَرَاجَعَ  | (8) تَنَاطَرَ  | (9) تَنَازَعَ  | (10) تَصَافَحَ |
| (11) تَجَاهَلَ | (12) تَمَالَكَ | (13) تَكَاتَرَ | (14) تَفَاقَمَ | (15) تَخَاصَمَ |

428 - машқ. Қуйидаги феълларнинг ўзагини топинг ва уларнинг бобини аниқланг:

- (1) تُلَاحِقُ (2) يَرْقُصْنَ (3) بَلَغَ (4) يَسِيرُ (5) تَتَقَدَّمُونَ  
(6) تَعَلَّبَ (7) تَتَلَفَّتْ (8) تَنْظُرُ (9) يَجْرِي (10) يُدَاعِبُ  
(11) نَسِيرُ (12) أَعُوذُ (13) يُجِيبُ (14) يُلَاسِمُ (15) يُفْشِي  
(16) تَتْرِكِينَ (17) أَمْسَكَ (18) أَسْلَمْتُ (19) يُبْعِدُ (20) تَتَكَلَّمُ  
(21) يَخَافُونَ (22) يَتَمَوَّجُ (23) أَنْقَذَتْ

429-ماشқ. Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, ундаги VI боб феълларини топинг, замони, шахс-сонини аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- (1) يتنازع هذان اللاعبان الكرة في نشاط وحذق. (2) قد سمعت صفارة الحكم تعلن انتهاء المباراة بنتيجة واحد لواحد فتعادل الفريقان. (3) تتجاذب أنوار النيون البصر. (4) يتساقط الثلج كفراشات من الزئبق. (5) تظاهرت سعاد بالبكاء قاتلة: لا إله إلا الله، لا إله إلا الله. (6) أجال الشاب عينيه العسليتين الجميلتين فتخاطفت ناظريه السيارات والعربات والترامات والمارة. (7) تبادل أفراد الأسرة نظرات الاستغراب ولكن لم يقولوا شيئا. (8) في مطار القاهرة وقف سامي أمام موظف الجوازات وتبادل هذا الموظف بعض النظرات مع زميله. (9) عندما ظهر الإسلام تكاثرت المكتبات العربية في قصور الملوك والسلاطين والأمراء والوزراء ورجال الدولة. (10) قابل أحمد في الشارع مُجدا فتصافحا فرحين. (11) تساقطت ذرات الثلج البيضاء من شعره الأسود اللامع الطويل على ياقة قميصه. (12) كلهم متزوجون وتكبر عائلاتهم عاما بعد عام ودخلهم الحدود يضيق يوما بعد يوم عن كفاية حاجاتهم الأولية والدينار اليمني يتقلص يوما بعد يوم والغلاء يتفاقم يوما بعد يوم والقلق يكبر يوما بعد يوم. (13) هل هي تشاجرت مساء أمس معك يا أحمد؟ (14)

أنا ألاحظ هذه الحقيقة دون أن أفهم شيئا في السياسة. لماذا هولا يلاحظها؟ ربما هو يتجاهلها. (15) – على كل حال فأنا ضيفتكم لا مندوبة السلطة في قريبتكم. تراجع على بعض الشيء: – أنتم السلطة والسلطة أنتم! (16) أنا أتعامل مع الناس وبحسب هؤلاء الناس كرم الضيافة كذبا والصدق حمقا والأخلاق سفاهة والإنسانية خداعا. (17) اسمحي لي يا ابنتي أن أسألك سؤالاً صغيراً... أرجو ألاّ تظنني أتدخل في شؤونك الخاصة ولكن يهمني أن اتبع أخبارك... أنت ابنتي وتعلمين كم أحبك... ماذا حدث يا ابنتي، منذ مدة ما عدت تخرجين مع سليمة؟ فهل تخاصمتما؟ لقد كانت تبدو لي شابة لطيفة! (18) كانت زينب على وشك البكاء ولكن تماكنت نفسها. (19) يتحرك عمال المطعم كالمثومين مغناطيسيا ومن حولهم تتناثر احتجاجات الزبائن على تأخر طلباتهم. (20) تحاملت الفتاة على نفسها محاولة الوقوف... المكتبة تدور بها... رفوف الكتب تصعد وتهبط أمواجا هائلة.

430-ماشқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Дарвозабон; у ёқ-буёққа юрмоқ; меню, таомнома; бош силкитмоқ; менинг чиройли отим; турли хил ўсимликлардан олинган дорилар; мусобақа тугагандан сўнг; мустақил ватанимиз; ташқи душманлар; Яман Халқ Республикаси; отнинг эгаси; хужумчининг имкониятлари; юрак хасталиги; муолажа воситалари; иқтисодий кризис; келаси йилдан бошлаб; бу матннинг янги сўзлари; яқин кунлар ичида; янги квартирамиздаги шароит; турли қушлар; қуриган ўтинлар; мени кечиринглар (мз.); Машраб боғининг бош дарвозаси.

431-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўгиринг:

1. Дўстлар залга киришдан илгари ўзаро кўз уриштириб олдилар. 2. Ўғлим шошилиб вагондан тушди ва биз қўл қисишиб сўрашдик. 3. Хадижа кулиб юборай дер ва ўзини зўрға босиб турар эди. 4. Яқин кунларда қиш бошланади. Оппоқ қорлар тинмай ёғади. 5. Республикамизда иқтисодий вазият йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Ҳар ҳолда сизлар (мз.) буни сезаётган бўлсангиз керак. 6. Университетимиз волейбол командаси билан иқтисодиёт институти командаси ўртасидаги мусобақа 3:3 ҳисоби билан тугади ва бу икки команда дуранг натижага эришди. 7. Раққоса қизларнинг майин ҳаракатлари залдаги томошабинларнинг кўзларини ўзига жалб қилди. 8. Меҳмонларнинг келиши уй бекасига ёқмади ва уларга ўзини зўрғагина хурсанд қилиб кўрсатди. 9. Ўғилларим, нима учун ўзаро жанжаллашасизлар? 10. Мен иш куним давомида жуда кўп ва турли-туман одамлар билан муомала қиламан. Улар ичида яхшилари ҳам кўп, ёмонлари ҳам йўқ эмас. 11. Баҳорда мевали дарахтларнинг гуллари оппоқ қор каби ерга оҳиста тўкилади ва бу манзара менга жуда хуш келади. 12. Сўнгги йилларда бозорда Хитойнинг сифатсиз товарлари жуда кўпайиб кетди.

### § 109. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАР VI БОБИНИНГ ЎТГАН ЗАМОНИ

### § 110. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАР VI БОБИНИНГ ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОНИ

*432-машқ. Қуйидаги феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг:*

تَمَّائِلٌ - уёқ-бүёққа тебранмоқ; تَوَالِي - узлуксиз давом этмоқ; تَبَّاطَأَ - секинламоқ; تَعَاوَنَ - ҳамкорлик қилмоқ; تَجَاوَزَ - ўтказиб юбормоқ; تَدَاوَلَ - амалда ишлатмоқ; تَسَاءَلَ - ўсмоқчилаб сўрамоқ; تَرَاءَى - кўриниб турмоқ; تَقَاضَى - тўлов талаб қилмоқ; تَعَالَى - кўтарилмоқ; تَطَاوَلَ - кўполлик

қилмоқ; تَرَاحٌ - тебранмоқ, бориб-келиб турмоқ; تَصَائِقٌ - дикқат бўлмоқ; تَنَاوَلٌ - тановул қилмоқ; تَنَاوَبٌ - навбати билан бажармоқ; تَوَافَرَ - мўл-кўл бўлмоқ.

433-машқ. Қуйидаги феълларнинг шахс-сонини ўзгартирмаган ҳолда ҳозирги-келаси замон шаклини топинг:

- (1) تَجَاوَزْتُ (2) تَنَاوَلْنَا (3) تَعَالَتْ (4) تَنَاوَيْتَا (5) تَوَافَرْتُمَا  
 (6) تَقَاصَيْتَيْنِ (7) تَسَاءَلُوا (8) تَطَاوَلْتُنَّ (9) تَصَائِفْنَا (10) تَدَاوَلْتِ  
 (11) تَوَالُونَ (12) تَعَاوَنْتُمْ (13) تَبَاطَأَتْ (14) تَمَّايَلَا (15) تَرَاءَيْنَا

434-машқ. Қуйидаги феълларнинг шахс-сонини ўзгартирмаган ҳолда ўтган замон шаклини топинг:

- (1) نَتَعَالَى (2) يَتَنَاوَلُونَ (3) تَتَرَاءَيْنِ (4) أَتَصَائِقُ (5) يَنْطَاوَلَانِ  
 (6) تَتَقَاصُونَ (7) تَتَبَاطِئُونَ (8) تَتَسَاءَلِينَ (9) نَتَوَافَرُ (10) يَتَعَاوَنُونَ  
 (11) يَتَجَاوِرَانِ (12) يَتَوَالُونَ (13) نَتَمَّايَلُ (14) أَتَنَاوَبُ (15) نَتَنَاوَلُ

435-машқ. Қуйидаги феълларнинг ўзагини, бобини, шахс-сонини аниқланг:

- (1) يَتَطَاهَرُونَ (2) يُعْطِينَ (3) يُنَادُونَ (4) يُقْضِي  
 (5) يُتَوَفَّوْنَ (6) يُلْقُونَ (7) نُرْضِي (8) يَتَكَافَأُونَ  
 (9) يُرُونَ (10) تَلِينٌ (11) تُؤْمِنٌ (12) يَعُودُونَ

436-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўгиринг:

- (1) ابني الصغير تلميذ في المدرسة الابتدائية. كل يوم هويرجع إلى البيت  
 في الظهر فيتناول الغداء ثم يعد دروسه لليوم القادم. (2) لا يعجز القوم إذا

تعاونوا (مثل عربي). (3) تتوافر جميع المعادن اللازمة للصناعة في أوزبكستان كما يوجد فيها الذهب والفضة والبلاتين. (4) الفريقان قويان ويتناوب أعضاء هذين الفريقين الكرة باستمرار ولا يستطيع أحد الوصول إلى مرمى الفريق الآخر. (5) انظر يا صديقي إلى هذه المناظر الجميلة فهناك الأشجار العالية والنخيل يتمايل مع النسيم. (6) توجد في محلاتنا مجموعة جميلة من البدلات وتتراوح أثمانها بين مئة ومئتي جنيه. (7) لماذا ما تناولتما غداءكما مع أعضاء أسرتكما؟ (8) أتى الضرب على هذه القرية من بعيد وتوالت الانفجارات وتوالت الحرائق وتعالّت أعمدة الدخان. (9) من خلال أغصان الرمان الفوضوية تراءت له في غباش غامض عمارات أسمنتية مكعبة. (10) هم يفهمون الشتائم العربية ويتداولونها كما يتداولون الأملاك العربية. (10) أنا طالبة جامعية مثلك ولست ضالعة في شؤون السياسة ولكن تضايقت جدا مما حدث أمس. (11) لم تكن سعاد في وضع أفضل فهي الأخرى تتساءل في أعماقها: ماذا يقول عني هؤلاء الناس؟ (12) أنت تتناول على أخيك وبدون حق. (13) - هذا الطعام رائع ومائدة مثل هذه تكلف في العاصمة مبلغا ضخما من المال. - هي هنا أيضا تكلف غالية... نحن لا نتقاضى ولا ندفع مقابل الخدمة هذا هو الفرق الوحيد. (14) لم تصدق سعاد هذا الكلام فتساءلت مثلما تدافع عن نفسها بهجوم مضاد. (15) يبحث علي بعينه عبر النافذة عن ثمرة واحدة ناضجة فلا يعثر عليها... تداهمه خيبة أمل طفيفة. يتجاوزها ويعود للتفكير في وضعه الحرج. (16) نحن سوف لا نبالي بأرواحنا وسوف نجمع أفهامنا ونتعاون معا لإدراك تلك الغاية. (17) توالى الأمراء الآخرون فأخرجوا سيوفهم من غمدها وكان كل يحمل بيده سيفًا. (18) عندما



تقرب الأسد من البشر رأى الأرنب قد تباطأ في الطريق وتخلف. (19) كان الأرنب يصفق بيديه لنتجاته من يد الموت وكان يتمايل جذلاً في الهواء كالغصون والأوراق. (20) نمت الحركة وعلت الأصوات وسادت الحرية وتواترت الرزانة. (21) لما رأت نفسها بجانب ذلك الفتى ترامت عليه وطوقت عنقه بزنديها. (22) فقد تساوى في الثرى راحل غدا وماض من ألوف السنين (من عمر الخيام).

*437-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Ўтган йили содир бўлган ишдан ўртоқларим орасида ҳозиргача сиқилиб юраман. 2. Бозорларда мевалар жуда сероб. Нархлари юз сўм - икки юз сўм орасида ўзгариб туради. 3. Менинг ўша мақсадимни тушуниб етмагани учун дўстим мендан хижолатда эди, шунинг учун йўлда мендан кўра секинлай бошлади ва орқада қолиб кетди. 4. Ўзбек халқи албатта ўзининг эзгу мақсадларига етади, бу йўлда бир-бири билан ҳамкорлик қилади ва керак бўлса, жонини ҳам аямайди. 5. Иш кунларида биз тушликни университет ошхонасида қиламиз, нонушта билан кечлигимизни эса, уйда оила аъзоларимиз билан биргаликда баҳам кўрамиз. 6. Баҳор бошланиши билан шамол эса бошлайди, боғимиздаги мевали дарахтлар у ёқ-бу ёққа эгилади. 7. «Навбаҳор» командасининг бу ўйинчиси мусобақада маҳорат билан ўйнади, командадаги бошқа ўйинчилар билан тўпни тинмай бир-бирларига узатишди ва натижада нариги команда аъзолари тўпни эгаллай олмади. 8. Бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари, турли хил мевалар жуда мўл-кўл. 9. Анжирнинг тарвақайлаб кетган шохлари ва қалин барглари орасидан унинг сапсариқ йирик мевалари кўриниб турибди. 10. Кеча кучли шамол бўлиб ўтди ва саҳродаги чанг - тўзон ва кум осмонга кўтарилди. 11. Биз жуда кўп инглизча сўз ва ибораларни биламиз ҳамда уларни меҳнат фаолиятимизда ишлатамиз. 12. Ўғлим, нима учун сен

синглинга кўполлик қиялсан, сен унга чиройли муомалада бўлишинг керак. 13. Тошкент - Қўқон автомобиль йўлида ишлар кечаю кундуз тинмай давом этаётир. 14. Асир ўлимдан қутулиб қолганини ҳаммадан бирма-бир сўраб чиқди. 15. Урушда портлашлар, ёнғинлар узок муддат давом этади.

**§ 111. VI БОБ ФЕЪЛИНИНГ ШАРТ МАЙЛИ**  
**§ 112. VI БОБ ФЕЪЛИНИНГ БУЙРУҚ МАЙЛИ**

*438-машқ. Қуйидаги феълларни шарт майлида тусланг:*

تَمَّالَكَ - эгалламоқ; تَصَاعَدَ - аста-секин кўтарилмоқ; تَنَاوَلَ - овқатланмоқ; تَرَكَضَ - у ёқ-бу ёққа чопмоқ; تَسَاءَلَ - ўзига савол бермоқ; تَوَارَى - йўқолмоқ; تَخَاصَمَ - жиқиллашмоқ; تَسَارَعَ - тезлашмоқ; تَمَارَضَ - ўзини касалга солмоқ; تَجَاهَلَ - ўзини гўлликка солмоқ.

*439-машқ. Қуйидаги феълларни буйруқ майлида тусланг:*

تَدَارَكَ - секин-аста тушуниб етмоқ; تَمَّالَ - у ёқ-буёққа эгилмоқ; تَشَابَهَ - бир-бирига ўхшамоқ; تَفَاسَمَ - хомталаш қилмоқ; تَبَاطَأَ - секинламоқ; تَوَانَى - секинламоқ.

*440-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:*

1) عندئذ لم يتمالك صاحب البيت نفسه من السؤال. (2) اسبح لي أن أدعوك إلى المطعم، هيا بنا نتناول فطورنا معا. (3) لم يتساءل علي إذا كان قد فرض نفسه على هذا التحدي أم التحدي هو فرض نفسه عليه. (4) هوشاب لطيف حقا ولم نتخاصم ولكن قررنا أن نفارق بعضنا بعضا. (5) من يمارض يمرض حتى يموت. (6) صرخت النساء صراخ الخوف والألم وأغمي على

بعضهن فلم يتصاعد ضجيج الرجال من ناحية. (7) إن يأت الخريف تتراكم أوراق الأشجار أمام الأرياح الباردة. (8) إن يتوار النور وتغمر الظلمة الوادي فتتسارع العواصف من أعالي الجبال نحو المنخفضات. (9) تعالوا نبحت لنا عن مكان إنساني. (10) يا أمير، لا تكابر ولا تتجاهل الواقع وإذا كنت تريد أن تذكرني فأستطيع أن أذكرك أيضا. (11) لا بأس يا خديجة انسي القصة... تعالي نشرب فنجان قهوة. (12) أرادت زينب أن تحرف الحديث عن مجراه فتذمرت ولكن لم يتداركها أمير بسرعة. (13) نادى الأم بصوت وديع: - الفطور جاهز، تعالوا قبل أن يبرد الشاي! (14) لم تخطر ببال أمير أمه فلم يتساءل عن صحتها. (15) إن تتشابه صورتان فذاك جائز، فالماء المالح والماء العذب شبيهان في الصفاء. (16) أنت لا تقدم لنا الأعذار، نحن لا نقبلها فلتصاعد زفرائك الباردة من قلبك. (17) عندما رأى الأسد الأرنب قد تباطأ وتحلف قال له: - لا تتوان يا أرنب في السير ولا تتخلف وأقبل. (18) لتقم الصبايا ليرقصن وليتمايلن بقمامتهن النحيلة. (19) لتبق جثتهما مطروحتين على هذا التراب الدنس فلتتقاسم لحماهما الكلاب. (20) تعالوا إلي أيها المتعبون وأنا أريحكم. (21) كانت المباحثات الثنائية مكرسة لمسائل اقتصادية ولذا لم تتناول العلاقات الثنائية بين البلدين.

441-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Болаларим, тушлик ва кечлик овқатларингизни вақтида тановул қилсангизлар, касал бўлмайсизлар. 2. «Пахтакор» командаси ўтган мусобақада катта маҳорат билан ўйнади, шунинг учун икки команда ўртасидаги ҳисоб мутлақо тенг бўлмади. 3. Агар Фотима ўзини йиғлаётган қилиб кўрсатса, айтинглар (мн.), у ўзини йиғлаётганга солмасин. 4. Групадаги талабалар

ажабланиш назари билан бир-бирларига қарасалар, сен уларга ҳеч нарса демагин (мн.) ва ўқитувчининг саволларига жавоб беравер. 5. Ислом пайдо бўлишидан олдин араб мамлакатларида кутубхоналар умуман кўп эмас эди. 6. Агар билетдаги саволларни яхши билсангиз (мн.), ўзингизни билмасликка солманг, агар билмасангиз, ўзингизни билағон қилиб кўрсатманг. 7. Хар қандай нозик вазиятда ҳам, дўстим, ўзингизни қўлга олинг. Бақириб гапириш, бировга қўл кўтариш одобдан эмаслигини яхши биласиз. 8. Ўғлим, ўртоғингиз билан ҳеч қачон жанжаллашманг, урушманг, уни кўрганда, қўл бериб сўрашинг. 9. Синглим кечадан буён ҳеч нарса тановул қилгани йўқ. 10. Агар сизлар (мз.) бир-бирларингизга ёрдам берсангизлар, ўзаро ҳамкорлик қилсангизлар ва бир-бирларингизни қўллаб-қўвватласангизлар, ҳеч ким сизларнинг устингиздан ғолиб бўлолмайди. 11. Мен ҳеч нарсадан ва мутлақо сиқилганим йўқ, уйимизда мевалар мўл-кўл, озиқ-овқат етарли, ҳеч ким мени хафа қилмайди. 12. Фарзандларим, сизлар кўчада, жамоат жойларида одамларга қўпол муомала қилманглар. 13. Симобдан яратилган капалаклар каби осмондан оппоқ қор ёғса, болалар иссиқ уйларида чиқиб, кўчаларда қор ўйнай бошлайдилар. 14. Портлашлар узоқ давом этмади, бир оз вақт ўтгандан кейин тўхтади. 15. Биз ўз вақтида уйимизга етиб олишимиз керак, шунинг учун, қизим, қадамингизни секинлатманг, орқада қолиб кетманг, балки тезроқ юриб, менга етиб олинг.

442-мишқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёд олинг:

نبيل: نهارك سعيد، يا أستاذ.

أستاذ: نهاركم سعيد، يا أولادي.

أحمد: لا مؤاخذاة. هل هذه المقاعد خالية أو محجوزة؟

أستاذ: هي غير محجوزة، تفضلوا.

نبيل: شكرا. يا أصدقائي تعالوا نجلس هنا. انظر يا أحمد هل هناك قائمة

ألوان الطعام؟

أحمد: نعم، ها هي ذي. ماذا تريد أن تأخذ يا نبيل؟ شربة الخضار أم

شربة الدجاج؟

نبيل: سأخذ شربة الدجاج وأنت؟

أحمد: أما أنا فأريد شربة مشهزة بطريقة أوزبكية.

نبيل: طيب وماذا تريد أن تأكل بعد الشربة؟ كبابا مع الخضار أو سمكا

مقليا مع البطاطس أوبفتيكا؟

أحمد: أنا أفضل بفتيكا مع المكرونة وأنت؟

نبيل: سأخذ سمكا مع البطاطس المدهوكة.

أحمد: لماذا لم تأخذ شيئا من السلاطة؟

نبيل: نعم، سنأخذ سلاطة من طماطم وخيار.

أحمد: ماذا تأخذ من الحلوى؟

نبيل: أحب عصيرا من الفواكه ولا سيما عصير البرتقال أو الفراولة.

أحمد: آخذ أنا أيضا كوبا من عصير الفراولة.

نبيل: هل أعجبتك الشربة الأوزبكية؟

أحمد: لا بأس بما، وكيف سمك؟ هل هولديذ؟

نبيل: نعم، لذيد فعلا.

أحمد: أعطني من فضلك المملحة. الأكل لذيد ولكن ينقصه الملح قليلا.

نبيل: تفضل، هذه هي المملحة.

أحمد: شكرا جزيلا. أنا شبعنا الآن ولا أريد أن أكل أكثر من ذلك.

نبيل: أنا شبعنا أيضا. يا سفرجي، من فضلك تعال. نريد أن ندفع لك الأموال.

أحمد: أيها الأصدقاء لقد أكلنا غداء لذيذا وشبعنا جدا. فيمكن كل منا أن يذهب إلى حيث يشاء. أما أنا فأذهب إلى مكتبة جامعتنا لأكمل بعض واجباتي. ثم أرجع إلى منزلي، إلى اللقاء الجديد.  
نبيل: مع السلامة.

443-ماشق. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўйиринг:

Набил: Ассалому алайкум (хайрли тонг), дўстим Хусайн.

Хусайн: Ваалайкум ассалом (хайрли тонг), Набил. Қаерга кетаяпсиз?

Набил: Ошхонага кетаяпман.

Хусайн: Нонушта қилмаганмисиз?

Набил: Йўқ, сиз-чи?

Хусайн: Мен ҳам нонушта қилмаганман. Шунинг учун ошхонага сиз билан бораман. Нонуштага нима оламиз?

Набил: Мен озгина сариеғ ва пишлоқ билан яримта обинон олмоқчиман.

Хусайн: Мен эса бир бўлак қайнатиб пиширилган гўшт, яримта обинон ва бир стакан сутли қаҳва оламан. Сиз нима ичмоқчисиз?

Набил: Мен бир стакан шакарли қора чой олмоқчиман. Сиз санчқи олдингизми?

Хусайн: Ҳа, олдим. Сиз-чи?

Набил: Йўқ. Мен олмапман.

Хусайн: Марҳамат, мана сизга санчқи.

Набил: Раҳмат. Жуда миннатдорман.

Хусайн: Гўшт жуда ширин экан. Фақат бир оз тузи кам. Менга туздонни бериб юборинг, илтимос.

Набил: Марҳамат, мана туздон.  
 Ҳусайн: Раҳмат.  
 Набил: Мана биз нонушта қилиб бўлдик.  
 Ҳусайн: Ҳа, менинг энди қорним тўйди.  
 Набил: Менинг ҳам.  
 Ҳусайн: Хайр, саломат бўлинг.  
 Набил: Яқинда яна кўришгунча. Сиз ҳам саломат бўлинг.

444-маишқ. *Оила аъзоларингиз билан қилган кечлигингиз ҳақида қисқа ҳикоя ёзинг.*

### § 113. VI БОБ ФЕЪЛИНИНГ ИСТАК МАЙЛИ

445-маишқ. *Қўйидаги феълларни истак майлида тусланг:*

تَفَاهَمَ - бир-бирини тушунмоқ; تَجَاسَرَ - жасоратли бўлмоқ;  
 تَنَاوَلَ тановул қилмоқ; تَعَاظَمَ - кучаймоқ; تَلَأَشَى - йўқ бўлмоқ;  
 تَحَارَبَ - уруш олиб бормоқ; تَضَاءَلُ - ўча бошламоқ;  
 تَبَادَلَ - алмашишмоқ.

446-маишқ. *Истак майлида турган қўйидаги феълларнинг ўзагини, бобини ва шахс-сонини аниқланг:*

(1) يُسَارِعُوا	(2) يُقَوِّينَ	(3) نَنَامَ	(4) يُنَاجُوا
(5) يَتَخَاصَمَا	(6) يَتَكَلَّمَنَّ	(7) يُرْضِي	(8) يُرِي
(9) نُلْقِي	(10) يُؤْتُوا	(11) يَنْسِينَ	(12) تَفَاجَأَنَّ

447-маишқ. *Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:*

(1) نستطيع الآن أن نتفاهم معه مباشرة دون وساطة عمه. (2) كان معهم أيضا ضيف غريب ودعاه أبوهم ليتناول معهم العشاء. (3) أخذت دباباتنا تتدفق على الطريق... وحاول العسكري الجريح مرة أخرى أن يتناول المدفع.

4) يجب عليهم أن يتعقلوا، أن يصحوا، أن يضحوا، أن يدفعوا الثمن، يجب أن يتلاشوا وألاً يكونوا. 5) لم تعد تصرخ مرعوبة حين يتقرب منها وجه والدها: النار في قلبي لن تتضاءل! 6) إن صفع خد رجل منهم ظل ذلك الرجل جامدا صامتا مثلما أنت ضربة من السماء فمن الكفر أن يتجاسر ويرفع عينيه ليرى من أنزلها. 7) في هذا المساء عندما تعظم هول العاصفة كان من الضروري أن تتحارب الرمال والأترية في الفضاء. 8) اليوم صادفت صديقي ولكن لم نستطع أن نتبادل التحية والسلام. 9) الحديث بين المثقفين يجوز أن يتناول الأدب والفنون والعلوم. 10) لن يتطير هذا الكلام الغريب حول منازل الجيران. 11) حاولت السيدة ألا تتشاءب أمام السيدات ولكن لم تقدر. 12) لن تتوازي الأنوار في بيوتنا ولن تتلاشى الحياة فيها. 13) يمكن للناس أن يتراكموا مسرعين من أبواب منازلهم ومخارجها. 14) لم ترد نبيلة أن تتسارع الألفاظ من شفتيها بسرعة الدموع من أجفانها. 15) لن تتصاعد رنات الكؤوس في هذا البيت التعس. 16) هوفرد وأنتم ثلاثة فمن الجبانة أن تتحالفوا على إذلاله وتعذيبه.

448-ماشқ. Қўйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Бундай сокин тунда кум ва тупроқларнинг осмонда туғён уриши мумкин эмас эди. 2. Мўътабар жаноблар олдида ҳомуза тортишингиз (мн.) жойиз эмас. 3. Биз ота-боболаримизни ҳурмат қилиш, уларни улуғлаш борасида ўзаро келишиб олишимиз керак. 4. Билиб қўйинг, мен ҳаёт эканман, фарзандларим барҳаёт экан, бу хонадоннинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди. 5. Биз тантаналар залига киришимиздан илгари ҳурматли меҳмонлар билан салом-алиқ қилишимиз керак. 6. Ўғлим, кечлик овқатингизни тановул қилишдан илгари қўлларингизни яхшилаб совун билан ювганингиз маъкул. 7. Дўстларимиздан



бирортасининг ўртачилигисиз ўзимиз бевосита бир-биримизни тушуна олаяпмиз. 8. Талабалар, сизлар замонанинг энг илғор кишиларисизлар, сизларнинг суҳбатингиз одоб, ахлоқ, давлатлар ўртасидаги муносабатлар, хориж янгиликлари каби масалалар борасида бўлиши керак. 9. Қизларим, бу хонадон маҳаллада энг эътиборли хонадонлардан биридир, шунинг учун ундан ҳеч қачон аёл кишининг йиғлаган товуши чиқмаслиги керак. 10. Устоз, бизга чиройли арабий ибораларни ўргатишингизни сўраймиз, биз уларни оғзаки нутқимизда ишлатишни хоҳлаймиз.

### § 114. VI БОБ ФЕЪЛИНИНГ МАСДАРИ

449-машқ. Қуйидаги феъллардан масдар ҳосил қилинг:

تَفَاعَلَ - кесишмоқ; تَنَاوَلَ - тановул қилмоқ; تَبَادَلٌ - ўзаро алмашишмоқ; تَفَاهَمَ - бир-бирини тушунмоқ; تَوَازَنَ - мувозанатда бўлмоқ; تَرَاجَعَ - орқага чекинишмоқ; تَعَاوَنَ - ўзаро ёрдам бермоқ; تَعَالَى - ўзини катта олмақ.

450-машқ. Қуйидаги феъллардан масдарлар ҳосил қилинг ва уларни аниқ ва ноаниқ ҳолатларга солинг:

(1) تَوَالَى (2) تَفَاضَى (3) تَرَاءَى (4) تَعَالَى

451-машқ. Қуйидаги феъллардан масдарлар ҳосил қилинг ва уларни аниқ ва ноаниқ ҳолатларда ҳар уч келишикда турланг:

(1) تَوَالَى (2) تَبَاطَأَ تَصَاءَلَ (4) تَلَأَسَى

452-машқ. Қуйидаги масдарларнинг қайси боб феъллики эканлигини топинг ва маъноларини аниқланг:

(1) مُعَارَضَةٌ (2) تَأْدُبٌ (3) إِنْزَارٌ (4) إِمْتَامٌ (5) إِتَاحَةٌ  
(6) مُطَابَبَةٌ (7) تَطْوُرٌ (8) إِطْفَاءٌ (9) مُصَافَقَةٌ (10) تَقْدِيمٌ

- (11) إِغْلَاقٌ (12) مُعَادَاةٌ (13) إِعَادَةٌ (14) إِعْدَادٌ (15) ظَنٌّ  
 (16) تَقَاضٍ (17) قِرَاءَةٌ (18) إِقَامَةٌ (19) تَفَوُّقٌ (20) تَغْيِيرٌ  
 (21) إِلْغَاءٌ (22) مُلَاءَمَةٌ (23) تَكْرِيمٌ (24) تَفَوُّرٌ

453-машқ. Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, ўзбекчага ўғиринг ва VI боб феъли масдарларига эътибор беринг:

1) يجب على كل سائق أن ينفذ تعليمات شرطي المرور أو ما تشير إليه مصابيح المرور المقامة عند تقاطع الطرق أوفي الميادين. (2) عليك بتناول الدواء كل صباح لتحسن صحتك. (3) جرت في القاهرة مباحثات حول التبادل التجاري بين وفدي جمهورية أوزبكستان وجمهورية مصر العربية. (4) لم يحدث مثل هذا التوازن في اقتصاد الحكومة منذ سنوات عديدة. (5) تمت في المباحثات الثنائية مناقشة تطور التعاون بين البلدين. (6) جرت المباحثات في جومن التفاهم الودي. (7) ما رأيكم الآن في تناول غازوزة أيها الأصدقاء؟ (8) تستطيع السينما أن تكون وسيلة تفاهم بين الشعوب. (9) زاد عدد دبابات العدو المضادة في أرض المعركة وبدأت الدبابات المتبقية تعطف للتراجع. (10) كان البعض ينسبون استكفافه عن مخالطة شعب المقاهي إلى التعالي البرجوازي. (11) بدت قامته النحيلة أقصر مما هي عليه حقا... ويزيد تسارع خطواته. (12) غص ذهن أمير بتساؤلات شتى: كيف تتقبلها أمه؟ وكيف يكون موقف علي؟ وعبد الرحيم؟ (13) عندما أشرفا على القرية قال بتواضع وتشجيع: - ها قد وصلنا... تلك هي قريتي... (14) صاحب المطعم أقفل الباب من الخارج على بعض الشبان ليناموا فيه وحدث تماس كهربائي فشب حريق وأكل الحريق المطعم وكل أولئك الشبان. (15) ومنذ البداية خُلِقَ بينه

ويبينها توازن ملحوظ وكان يذكر نفسه دائما بضرورة خلق تكافؤ بين قوته المعنوية وقوتها المادية.

454-ماشқ. Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, ўзбекчага ўғиринг ва тагига чизилган масдарларнинг қайси боб феълиники эканлигини аниқланг:

1) كثيرا ما تخطب أمير في مثل هذه التساؤلات. 2) هذه مساعدة أخوية ولا تقدر بثمان وهي رمز مادي ومعنوي لتضامن الشعوب مع شعبنا. 3) لم يدرك علي من قبل معنوي عبارة «التفاؤل الثوري». 4) لا بد لشخص ما من مصارحة أمير بما حدث. 5) أنا البنت الصغيرة التعمسة قررت مغادرة عالمكم بموتي... 6) سألها الحكيم: - كيف خرجت من مدينتك؟ وفي أية بلدة طالت إقامتك؟ 7) لقد كان ملكا وقد كان واسع الإدراك. 8) ليس هناك ما هو أمر من فراقك. 9) أسرعي إلي ولا تخافي مراقبة هؤلاء الخنازير. 10) سكت الشاب ونظرت المرأتان إليه بإعجاب وشفقة. 11) جرميتي أيها الرجال هي إدراكي تعاستكم وشعوري يتنقل قيودكم. 12) هل مللت النظر إلى خفايا نفسي فطلبت روحك الوداع والتفريق؟

455-ماشқ. VI боб феъли масдарларини ишлатган ҳолда қўйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Иккови ўртасида ҳеч қачон ўзаро бир-бирини тушуниш бўлмаган эди. 2. Камтарлик ва мулойимлик инсоннинг бебаҳо зийнатидир. 3. Азиз фуқаролар, электр симларини доим назорат қилинглار, қисқа туташув бўлмасин. 4. У (мн.) трамвайдан тушди ва унинг қадам ташлаши тезлашди. 5. Нима қилай? Кимга гапирай? Хонага киришим билан турли-туман саволлар хаёлимни чулғаб олади. 6. Автомобиль ҳайдовчи чорраҳаларда жуда эҳтиёт бўлиш керак. 7. Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини айрибошлаш

масаласида музокаралар бўлиб ўтди. 8. Сиз турли уколларни олишни хоҳламадингиз, шунинг учун саломатлигингиз яхши бўлиб кетмаяпти, синглим. 9. Буржуйларча кеккайиш ҳеч қандай наф келтирмайди, буни биз ҳаммамиз яхши биламиз. 10. «Оптимизм» иборасини ҳамма ҳар хил тушунади. 11. Қўшни давлатлар, кўшни ҳукуматлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим. 12. Яшасин халқлар ўртасидаги дўстлик, яшасин бутун дунё меҳнаткашлари ўртасидаги бирдамлик. 13. Оилада эр билан хотин ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш фарзандлар тарбиясида катта роль ўйнайди. 14. Шаҳримиз кундан-кун обод бўлаяпти, кўчалар ва майдонлар кенгаймоқда, янги-янги чорраҳалар пайдо бўлиб, унга светофорлар ўрнатилмоқда. 15. Ҳар икки командадаги кучлар ўртасида мувозанатнинг йўқлиги сабабли аъзолар ўртасида ихтилоф пайдо бўлди.

## § 115. VI БОБ ФЕЪЛИНИНГ СИФАТДОШЛАРИ

456-машқ. Қуйидаги феъллардан аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари ҳосил қилинг:

تَشَاءَمَ - тушқунликка тушмоқ; تَفَاعَدَ - нафақага чиқмоқ;  
 تَبَايَنَ - бир-биридан фарқ қилмоқ; تَوَاضَعَ - камтар бўлмоқ;  
 تَوَاصَلَ - узлуксиз давом этмоқ; تَشَابَهَ - бир-бирига ўхшамоқ;  
 تَدَافَعَ - бир-бирини туртишмоқ; تَبَادَلَ - ўзаро алмашмоқ;  
 تَرَامَى - бир-биридан узоқ бўлмоқ; تَرَاجَعَ - чекинмоқ;  
 تَوَازَنَ - мувозанатда бўлмоқ; تَصَاعَدَ - кўтарилишмоқ; تَطَاهَرَ -  
 намойишга чиқмоқ; تَجَاوَزَ - ошмоқ, ўтмоқ; تَنَاءَبَ - эснамоқ.

457-машқ. Қуйидаги сифатдошларнинг аниқ ёки ноаниқ ҳолатларини топинг:

3) الْمُتَوَازِنَةُ

2) مُتَشَابِهَةٌ

1) مُتَرَامٍ

(4) مُتَنَائِبُونَ (5) مُتَبَادِلَاتٌ (6) المُتَدَاْفِعَةُ

458-ماشқ. Қуйидаги сифатдошларнинг келишикларда турланг:

(1) مُتَوَازِنَانِ (2) مُتَدَاْفِعُونَ (3) المُتَرَامِي (4) مُتَرَامِيَاتٌ (5) مُتَطَاهِرَتَانِ

459-ماشқ. Қуйидаги сифатдошларни иккилик ва кўplik шаклларини топинг:

(1) المُتَدَاْفِعُ (2) مُتَرَامٍ (3) مُتَشَائِمَةٌ (4) مُتَقَاعِدَةٌ (5) مُتَوَاصِعٌ

460-ماشқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, ундаги VI боб сифатдошларини топинг, уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

(1) جميع القوميات في جمهوريتنا متساوية في شتى الحقوق. (2) عبر أحمد عاكف عطفة ضيقة إلى الحي المنشود وشاهد فيما حوله مقاهي عامرة ودكاكين متباينة. (3) المناضلون الفيتناميون أقرب إلى هذا العامل المتقاعد من بني جلدته من الرجعيين. (4) جرت عينا الكهل على النوافذ ويزحم الكهل المتدافعين حوله حتى ظفر بضالته في مقدمة عربة الدرجة الثانية. (5) ثم سارت العربة سيرتها الشملة المريحة ومرت بميدان المحطة المترامي الأطراف. (6) تُحسب السنة الماضية في بلدنا العزيز من السنوات المتوازنة اقتصاديا. (7) البناء متألف من عدة غرف متشابهة في شكلها وحجمها. (8) في بيت التاجر جلس الضيف يقلب بين يديه مجموعة من الرسائل الخاصة المتبادلة بين عظماء التاريخ. (9) بدأت الدبابات تتحول خارجه وسط حقول الألغام وبدأ البعض

الآخر يعطف متراجعا. 10) فجأة نشبت معركة بين مكبر الصوت وبين هدير آليات الشرطة المتصاعد باقتراب الآليات من المتظاهرين. 11) حين خطأ متجاوزا العتبة إلى داخل المقهى سُحب القميص قليلا من تحت حزامه الأسود العريض وهبطت بعض الحبيبات البيض على ظهره. 12) هز إبراهيم كنفه متظاهرا باللامبالاة. 13) أقبل زوجها من الحمام متثابا في بيجامته. 14) في مثل هذه الحالة لا يمكن أن ننال حقوقنا بسهولة... لا بد لنا من نضال متواصل وعنيد لإجبار الطغاة على فتح الأبواب. 15) تذكر على حصة الأدب العربي وأبا العلاء... لسبب ما لا يدركه. لم يجب أبا العلاء بسخريته المتشائمة. 16) وفي حالة شلل تام يسمح البيت بنظرات مبللة بالدمع يتحسس قطع الأثاث المتواضعة والجدران والصور.

461-машиқ. Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, тагига чизилган сифатдошларнинг қайси боб феълидан эканлигини аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) لقد أصبحت أيا من متشاجات في الهموم وصارت الحروق والآلام ملازمة لهذه الأيام. 2) علة العاشق متميزة عن سائر العلل. 3) وعد أهل الكرم نقد متداول وأما وعد اللنام فهو عناء. 4) كان في سالف العصر بقال وكان له ببغاء حسن الصوت أخضر اللون متكلم. 5) كل ما قاله الوزير كان مناقضا لأقواله الأخرى. 6) ألقى الوزير بنار الشوق في قلوب مريديه. 7) لقد أصبحنا بدونك أيتاما محرومين من آباءنا وأمهاتنا. 8) كيف للمقيد بالأغلال أن ينعم بالسرور؟ 9) كان في عهد ذلك الملك عازف للكمان مطرب بارع. 10) الفن خطوة من المعروف الظاهر نحو المجهول الخفي. 11) هذه فرصة مناسبة لزيارة هذا المتنسك وستكون العاصفة عذري وأثوابي

المبللة شفيعي. 12) في ظلام الليل ينادي الأخ أخاه والأب أبناءه والأم  
أطفالها وكلنا جائعون. 13) أيتها الريح، تمرين أنا مترنحة فرحة وآونة متأوهة  
نادية فنسمعك ولا نشاهدك.

462-ماشқ. VI боб сифатдошларидан фойдаланиб, қўйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Душманнинг пиёда қўшинлари танкларимизнинг кучли зарбаси остида чекинганлари ҳолда орқага қочдилар. 2. Тошкентда илгари бир-бирига ўхшаш жуда кўп уйлар қурилган эди. 3. Намойишчилар подшоҳ саройини ўраб олдилар ва қўлларини кўтариб бақирришга бошладилар. 4. Араб тилини яхши ўрганиш учун узлуксиз ўқиш ва машқ қилиш лозим. 5. Сиз, азизим (мз.), пессимист бўлманг, ҳамма нарсага ишонч кўзи билан қарашга ўрганинг! 6. Мана шу камтарин хона меники. Ичкарига киринг (мз.), менинг азиз меҳмоним бўлинг. 7. Анави ҳомуза тортаётган аёл ким? Нимага у эснапти? Ёки касал эканми? 8. Мамлакатнинг ҳаво чегараларидан ўтиб ичкарига кирган самолёт уриб туширилиши керак. 9. Тоғнинг юқори чўққисига кўтарилаётган йигитлар барча қийинчиликларни енгиб ўтдилар. 10. Ибн Сино билан Ал-Беруний ўртасидаги ўзаро илмий ёзишмалар илм-фан тарихи учун катта аҳамиятга эга. 11. Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган бу далалар отамдан қолган далалардир. 12. Оломон бир-бирини туртишиб олдинга интилмоқда. 13. Мен Тошкентда ўқиётган пайтимда отам ишламас эдилар, улар нафақахўр эдилар. 14. Шаҳарнинг марказий кўчаларида турли-туман, бир-биридан фарқ қилувчи ресторанлар, қаҳвахоналар жуда кўп. 15. Бизнинг жамиятимизда эркаклар билан аёлларнинг барча соҳадаги ҳуқуқлари баравардир.

ЎН ЕТТИНЧИ МАТН

## مترو طشقند

المترو هو من أحدث وأسرع وسائل النقل في العالم وطشقند هي مدينة وحيدة في آسيا الوسطى حيث توجد وسيلة النقل هذه. وقد تم إنشاء الخط الأول للمترو منذ بضع سنوات. ويربط هذا الخط القسم الجنوبي للمدينة حيث تكثر الأيدي العاملة بشرقي طشقند وهذا القسم معروف بتكاثر مصانعه ومعامله المختلفة وبعد بضعة أعوام أنشأ بناء المترو الخط الثاني منه وهو يوصل الركاب من مجمع مصانع الطائرات ومحطة السكك الحديدية الشمالية حتى مدينة الطلاب حيث تقع جامعة أوزبكستان الأهلية والجامعة التكنيكية.

وفي أيامنا هذه تجري الأعمال الإنشائية في الخط الثالث للمترو. وتنوي بلدية طشقند زيادة عدد الخطوط للمترو في المستقبل وسوف تربط هذه الخطوط كل أطراف المدينة بعضها ببعض.

أحد السياح الأجانب بعد أن رأى محطات المترو سماها متاحف فريدة من نوعها. وفي الحقيقة محطات المترو جميلة جدا وهي نادرة بزخارفها الأوزبكية ونقوشها الشرقية وتخطيطها العصري ولا سيما محطة «مستقلليك» ومحطة «باختاكار» مشهورتان بنقوشهما الملونة وقناديلهما الرائعة وإحدى من محطات المترو تسمى باسم شاعرنا العبقري عليشير نوائي وهناك عدد من اللوحات الفنية المكرسة لمؤلفات هذا الشاعر الخالدة. أما المحطات الأخرى فهي مزينة أيضا باللوحات الزيتية وتحكي هذه اللوحات عن حياة شعبنا الأوزبكي الباسل من غابر الزمان إلى يومنا هذا.



وليس متروطشقند بمجرد وسيلة النقل فحسب بل هو فخر سكان  
أوزبكستان بأسرها.

(Э.Талабовнинг «Учебное пособие по разговорной  
практике арабского языка» китобидан айрим ўзгарттишлар  
билан)

463-машқ. Ўн еттинчи матни дафтарингизга кўчиринг,  
ҳаракатларини кўйинг ва ўзбекчага ўғиринг.

464-машқ. Ўн еттинчи матн асосида кўйидаги саволларга  
ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) ما هو أحدث وأسرع وسائل النقل؟
- 2) متى تم إنشاء الخط الأول للمетро في طشقند؟
- 3) بأي قسم من أقسام المدينة يربط الخط الأول؟
- 4) ما هو اتجاه الخط الثاني للمетро؟
- 5) أين تقع الجامعتان الكبيرتان في طشقند؟
- 6) في أي خط تجري الأعمال الإنشائية في الوقت الحاضر؟
- 7) كيف سمى أحد السياح الأجانب محطات المترو؟
- 8) بم مشهورة محطات مترو طشقند؟
- 9) ماذا يوجد في محطة «عليشير نوائي»؟
- 10) هل تعجبك محطات مترو طشقند؟
- 11) هل يوجد مترو في مدن أخرى؟
- 12) هل يتمتع طلاب جامعة الدراسات الشرقية بخدمة المترو؟
- 13) لماذا نعرف المترو فخرا لسكان أوزبكستان.

465-машқ. Ўн еттинчи матндан феълларни ажратиб олинг,  
уларнинг бобларини аниқланг ва тўла морфологик таҳлил қилинг.

466-машқ. Ўн еттинчи матндан масдар ва сифатдошларни топинг, қайси феълнинг қайси бобидан эканлигини аниқланг ва гапдаги вазифасини тушунтиринг.

467-машқ. Ўн еттинчи матнда мавжуд феълларнинг барчасидан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошларини ҳосил қилинг, ҳар бир сифатдошга биттадан гап тузинг.

468-машқ. Ўзингизга энг яқин метро бекатини араб тилида ёзма тасвирланг.

469-машқ. «Амир Темур хиёбони» метро бекати ҳақида араб тилида баён ёзинг.

470-машқ. Қўйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

في نشاط وحذق، صفارة الحكم، بنتيجة واحد لواحد، فراشات من الزئبق، عينان عسليتان جميلتان، لا بأس، باستمرار، تبادل التحية والسلام، بنوجلدة، تماس كهربائي، من غابر الزمان، بطاطس مدهوكة، باللامبالاة، في نشاط، أنوار النيون، نوم مغناطيسي، أفراد الأسرة، مع السلامة، في مطار القاهرة، تلميذ من المدرسة الابتدائية، مجموعة جميلة من البدلات، أغصان الرمان، صاحب البيت، شاب لطيف، أوراق الأشجار، المباحثات الثنائية، مسائل اقتصادية، العلاقات بين البلدين، سمك مقلي، بفتيك مع المكرونة، عصير من الفواكه، الشربة الأوزبكية، تقاطع الطرق، في جومن التفاهم الودي، تساؤلات شتى؛

## ЎН САККИЗИНЧИ ҚИСМ

### ЯНГИ СЎЗЛАР

أَثَرَ из	VII أَنْبَحَعَ ўз жонига қасд қилмоқ
إِحْسَاسٌ кўп. إِحْسَاسِيٌّ сезги, хиссиёт.	VII أَنْبَسَطَ мамнун бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ
اِخْتِصَاصِيٌّ мутахассис	VII أَنْبَعَثَ келиб чиқмоқ
إِذَا ундай бўлса	أَنْتَقَالَ ўтиш, кўчиш, ўзгариш
أَرْجُوْحَةٌ аргимчоқ, ҳайинчалак	VII اِنْخَدَرَ келиб чиқмоқ (зот ҳақида)
IV أَرْصَى рози қилмоқ, хурсанд қилмоқ	VII اِنْحَى эгилмоқ, таъзим қилмоқ
اِسْتِكْمَالٌ такомилга етказиш	VII اِنْخَفَضَ паствамоқ, пасаймоқ
أَشْبَهُ ўхшаш	VII اِنْخَلَعَ узилиб чиқмоқ
إِشْرَافٌ назорат	VII اِنْدَفَعَ ташланмоқ, ўзини отмоқ; учиб кетмоқ, бориб тушмоқ
IV أَطْلَقَ بَصْرًا кўз ташламоқ	VII اِنْدَفَعَ فِي ... га шошилмоқ
IV أَظْلَمَ зулмат босмоқ	VII اِنْدَلَعَ ловулламоқ (аланга), суқилиб кирмоқ
أَفْعَى илон	VII اِنْدَلَقَ тўкилмоқ, оқмоқ
آلِيٌّ автоматик	
إِنَاءٌ идиш	
VII اِنْبَتَقَ келиб чиқмоқ, чиқиб келмоқ	

VII اندَهَش таажжубланмоқ  
 VII انزوى яширинмоқ,  
 беркинмоқ  
 VII انسَاب оқмоқ  
 VII انسَجَم уйғунлашмоқ  
 VII انسَحَب чекинмоқ  
 VII انِسَة буйга етган киз  
 VII انشَعَلَ (нима биландир)  
 овра бўлмоқ, банд  
 бўлмоқ  
 VII انصَب تўкилмоқ, ёғилмоқ  
 VII انصَرَف жўнамоқ, кетмоқ  
 VII انضَم қўшилмоқ, бирик-  
 моқ  
 VII انطَبَاغ таассурот  
 VII انطَفَا ўчмоқ, сўнмоқ  
 VII انطَلَق жўнамоқ, йўлга  
 тушмоқ; ажралиб чиқмоқ,  
 ўридан жилмоқ  
 VII انطَلَى муваффақиятли  
 чиқмоқ  
 VII انْعَدَم йўқ бўлмоқ  
 VII انعكس акс этмоқ

VII انْعَمَس энгаймоқ,  
 энгашмоқ, мук тушмоқ  
 VII انْفَتَح очилмоқ  
 VII انفَجَرَ ёрилмоқ  
 VII انفَرَج тарқалиб кетмоқ  
 VII انفَرَد узлатга чекинмоқ  
 VII انفَصَلَ ажралмоқ,  
 айрилмоқ  
 VII انْقَصَم синмоқ, қуламоқ  
 VII انْقَصَّ синиб қуламоқ,  
 парчаланмоқ  
 VII انْقَضَى ўтмоқ, ўтиб  
 кетмоқ  
 VII انْقَطَعَ узилмоқ, тўхтаб  
 колмоқ  
 VII انْقَلَب ўзгармоқ,  
 айланмоқ  
 VII انْقَلَع кетмоқ  
 VII انكَب берилиб кетмоқ,  
 мук тушмоқ  
 VII انكَسَر синмоқ, синиб  
 майдаланмоқ  
 VII انكفأ узоклашмоқ  
 VII انكَمَش ғуж бўлмоқ

VII اَمَحَى йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ	V تَدَبَّرَ эҳтиёткорона иш тутмоқ
VII اَنْهَارَ ўзини ташламоқ	V تَرَكَمُ тўпланиб қолган нарса
VII اَنْهَالَ ёғилмоқ, гувиллаб тўкилмоқ	V تَصَوَّرَ сураатга олиш, тасвир
VII اَنْهَمَرَ оқмоқ, куйилмоқ	V تَضَرَّعَ ялинмоқ, бўйин эгмоқ
اَهْبَلُ аҳмоқ, тентак	V تَفَحَّصَ текширмоқ, син- чиклаб қарамоқ
IV اَهْدَى совға қилмоқ, ҳадя қилмоқ	V تَفَرَّقَ тарқалмоқ, ҳар томонга кетмоқ
اُوتُوْمَاتِيكِيَّ автоматик	تَغْرُ оғиз
IV اَوْشَكَ (ниманингдир) арафасида бўлмоқ	I جَفَّ (u) جَفَافٌ қуримоқ
بَشْرٌ инсоният	جَوَادٌ чопқир от
بَشِعٌ ярамас	جَوْهَرٌ модда
بَصَلٌ пиёз	جِيْفَةٌ ўлакса, мурда
بِرِيْدٌ откритка	حَاكُوْرَةٌ томорка
بِيَّ жигаранг	حَدَّةٌ жаҳду жадал
بِهِيْمَةٌ кўп. بَهَائِمٌ уй ҳайвони	حَسَاءٌ шўрва, суяқ овқат
V تَأَمَّمٌ қийналмоқ, азоб тортмоқ	I حَقَّ (u) حَقٌّ тегиш бўлмоқ, зарур бўлмоқ
V تَحَدَّى тарафдор бўлмоқ, тарафида турмоқ	حُلْمٌ туш, туш кўриш
V تَحَمَّلَ чидамоқ, сабр қилмоқ	حَمَاسٌ шавқ-завқ
	خَبِيْرَةٌ билим, тажриба

خُرْدَوَاتٌ кўп. галантерея  
 خَلِيَّةٌ асалари яшиғи  
 خُوَانٌ хонтахта  
 دَاءٌ касаллик, иллат  
 III دَاعَبٌ ҳазиллашмоқ,  
 ўйнашмоқ  
 I دُجِرَ енгилмоқ  
 دَخِيْلَةٌ ички қисм, ич  
 دُفْعَةٌ марта  
 I ذَابَ (y) ذَوْبَانٌ эримок,  
 суюқликка айланмоқ  
 I ذَبَلَ (y) ذُبُولٌ сўлмоқ,  
 رُتْبَةٌ погон  
 رَدِيَّةٌ ёмон  
 II رَكْرَكٌ тўпламоқ, йиғмоқ  
 (мас. диққатни)  
 رَوَاسِبٌ кўп. сарқитлар,  
 чиқиндилар  
 رَوَائِحٌ кўп. атирлар, атир-упа  
 زَاوِيَةٌ бурчак  
 I زَعَقَ (a) زَعَقٌ қийқирмоқ  
 زَعْرُوْدَةٌ кўп. زَعَارِيْدٌ аёлларнинг  
 ҳиссиётгли қичқириғи

زَلَالٌ булоқ суви  
 I سَجَنٌ (y) سَجْنٌ қамокқа  
 олмоқ  
 سِرَاجٌ чирок  
 سَعْرٌ нарх, баҳо  
 سَمٌّ كَهْرَبَائِيٌّ эскалатор  
 سُلُوْكٌ хулқ, одоб  
 سَهْمٌ камоннинг ўқи  
 سَيَّارَةٌ أُجْرَةٌ такси  
 سَيْلٌ кўп. سِيُولٌ сел, сув оқими  
 سَيِّئٌ ёмон  
 I شَحَّ (y) شَحٌّ озаймоқ  
 شُدُوْدٌ фавқулоддалик, нонор-  
 маллик  
 شَقَاءٌ қийноқ, азоб  
 شِقَّةٌ ёруқ, тешик, тирқиш  
 صَحْنٌ тарелка  
 صَدَّ тўсиш, беркитиш  
 صَدًّا занг  
 صَرَافٌ кассир  
 II صَوَّبَ йўналтирмоқ, таш-  
 ламоқ (мас. назарияни)

صَابِطٌ зобит, офицер  
 I ضَاعَ (и) ضَيَّاعٌ йўқолмоқ,  
 ҳалок бўлмоқ  
 ضَيْبٌ хира, сўник  
 طَالِعٌ кўп. طَوَالِغٌ юлдуз  
 طَبَعٌ феъл-атвор  
 طَلَسَمٌ кўп. طَلَّاسِمٌ сирлар,  
 асрор  
 I طَنَّ (и) طَيْنٌ ғинғилламоқ  
 (мас. ари)  
 ظَمًّا ташналик, чанқоқлик  
 I عَجَّ (и) عَجِيحٌ тўлиб – тошиб  
 ётмоқ, кўп бўлмоқ  
 II عَدَبَ азоб бермоқ,  
 қийнамоқ  
 عَطْرٌ атир  
 عَطْفٌ фронт чизиғи  
 бўйлаб  
 عَمِيْلٌ кўп. عَمَلَاءٌ айғоқчи,  
 агент  
 عُنْصُرِيٌّ иркий  
 عَيْشَةٌ رَاضِيَةٌ бахтли, тўкин-  
 сочин ҳаёт  
 غَزَارَةٌ лим тўлалик, тўлиб-  
 тошганлик

غَزِيرٌ лим-лим, юм-юм  
 II غَلَفَ ўрамоқ,  
 (ниманингдир ичига) ўраб  
 қўймоқ  
 فَرُوْهُ мўйна, юнг  
 فَيْلَاءٌ вилла  
 فَرَارَةٌ қаър, чуқурлик  
 قِرْطَاسٌ кўп. قِرَاطِيْسٌ  
 канцелярия товари  
 قَفَّازٌ қўлқоп  
 قَمِيْشَةٌ кўп. قَمَاشٌ газлама  
 كَابُوْسٌ босинқираш  
 I لَوْحٌ (y) لَوْحٌ кўринмоқ, пайдо  
 бўлмоқ  
 حَنْ оҳанг, куй  
 هَبَبٌ аланга, олов  
 لُوْمٌ пасткашлик  
 مَازِقٌ қийин вазият, берк кўча  
 مَبْسُوْطٌ мамнун  
 مُبَطَّنٌ астарли  
 مَدْفُوْعَاتٌ кўп. тўловлар  
 مَرِيْحٌ Марс

I مَزَج (y) مُرَجُّ	аралаштирмак,	أَهْدَافٌ	қўп. нишон
	қориштирмак	I هَمَّ (y) هَمَّ	ният қилмак,
مُسْتَقِيمٌ	тўғри, эгилмаган		хоҳламак
مَشْعَرٌ	қўп. ҳиссиёт	هَمَّةٌ	ҳиммат
مَعَالِفٌ	қўп. оғилхона,	وَاللَّهِ	худо ҳақи!
	қўра	وَرُوْدٌ	келиш, кириш
مُعَصَّنٌ	ажин босган	يَقْطَعَةٌ	уйғоқлик
نَامَةٌ	шитирлаш, шарпа	يَوْمِ الْأَرْضِ	Замин куни
نَجْمٌ	қўп. юлдуз	(فَلَاسْتِيْنُ	халқининг
نَوَاطٌ	қўп. жетон	بَايْرَامِي)	байрами)
هَادِيٌّ	сокин, тинч		

## § 116. VII БОБ ФЕЪЛИ

### § 117. VII БОБ НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЎТГАН ЗАМОНИ

### § 118. VII БОБ НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОНИ

471-машқ. Қуйидаги феъллардан VII боб феъли ҳосил қилинг ҳамда уларнинг маъноларини аниқлашга уриниб қўринг:

جَسْمٌ - йирик бўлмак; شَعَلٌ - банд қилмак; حَدَرَ - пасайтирмак; بَخَعٌ - ўлдирмак; صَرَفٌ - сарфламак; طَلَّقَ - озод бўлмак; قَطَعَ - кесмак; حَنَا - эгмак; صَبَّ - қуймак; دَلَعٌ - чиқармак; فَجَرَ - портлатмак; هَمَرَ - қуймак; هَالٌ - тўкмак; دَفَعٌ - итармак; كَفَأَ - силжиммак; خَفَضَ - пасайтирмак; دَهَشَ - ҳайрон бўлмак; فَرَجَ - таркамак.



472-машқ. Қуйидаги феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг:

انْدَهَشَ - лол қолмоқ; اَنْدَفَعَ - отилиб кетмоқ; اَنْفَجَرَ - ёрилмоқ; اَنْطَلَقَ - ўрнидан жилмоқ; اَنْقَطَعَ - узилиб қолмоқ; اِنْخَدَرَ - келиб чиқмоқ; اِنْفَتَحَ - очилмоқ; اِنْخَفَضَ - пасаймоқ; اِنْصَرَفَ - жўнамоқ; اَنْدَلَعَ - ловулламоқ; اِنْشَغَلَ - диққати бошқа томонга тортилмоқ; اَنْدَلَقَ - тўкилмоқ; اِنْهَمَرَ - оқмоқ; اِنْبَخَعَ - ўз жонига қасд қилмоқ; اِنْسَجَمَ - уйғунлашмоқ.

473-машқ. Қуйидаги феълларнинг ўзагини, бобини, замонини, шахсини ва сонини аниқланг:

1) اُصْفِرُ (2) يُرِيحَانِ (3) قُلْنَا (4) يَنْهَلْنَ (5) تَبْكُونَ  
6) يُبَالِغْنَ (7) أُحْدُوا (8) يَتَقَدَّمُونَ (9) تَتَدَافِعِينَ (10) تَعُودُونَ  
11) تُحْسِنَانِ (12) رَأَيْنَا (13) مَثَلْتُمْ (14) أَتَوَقَّفُ (15) نَتَحَوَّلُ  
16) تَتَحَدَّثِينَ (17) سَأُحَاوِلُ (18) تَهْزِينَ (19) كُنَّ (20) تَدُقْفَنَ

474-машқ. Қуйидаги нотўғри феълларни ўтган замонда тусланг:

اِنْخَى - энгашмоқ; اِنْهَالَ - тўкилмоқ; اِنْكَفَأَ - узоқлашмоқ; اِنْصَبَّ - куйилмоқ; اِنْسَكَ - ёпиқ бўлмоқ; اِنْصَاغَ - қолипга тушмоқ.

475-машқ. Қуйидаги нотўғри феълларни ҳозирги-келаси замонда тусланг:

أَنْبَتٌ - тарқалмоқ; أَنْبَاعٌ - сотилмоқ; أَنْحَضٌ - ҳадиксирамоқ;  
أَنْبَرَى - киришмоқ; أَنْجَزًا - бўлинмоқ; أَنْشَوَى - ковурилмоқ;  
أَنْبَغَى - керак бўлмоқ; أَنْحَلَّ - ечилмоқ.

476-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

(1) تقدمتُ إلى العربي بسرعة وقلت بالعربية: السلام عليكم. فاندعش  
العربي وقال: وعليكم السلام. (2) اندفعت الكرة إلى الهدف ولم يستطع  
الحارس صدها. (3) كانت حرارتها مرتفعة وكان رأسها يكاد ينفجر من شدة  
الأم. (4) انطلق الترام فمر بمتحف الفنون الإسلامية. (5) ما بين دكان أقمشة  
ودكان تحف وجواهر رأى أمواجاً من الخلق لاتقطع. (6) هم يتحدثون بلغتهم  
وينحدرون من الأصل العنصري والثقافي الواحد. (7) دق الجرس فانفتح  
الباب وظهرت أمه على عتبه تلوح على ثغرها ابتسامة ترحيب. (8) ماذا  
يقول الناس عندما يسمعون الزغاريد تنطلق من هذا المنزل؟ (9) لقد أخفض  
العجز في نظام المدفوعات في الجمهورية في السنة الماضية عما كان عليه منذ  
سنتين. (10) أخذ الزبون مجموعة من المعروضات وانصرف مسروراً. (11) انهمال  
الضرب على الدبابات من بقية المدافع على طول الخط. (12) أحس إبراهيم  
بفرحة غامرة وانفرجت في نفسه معظم الأحاسيس. (13) يتحول الحلم إلى  
كابوس وتندلع السنة اللهب من شبابيك العمارات العالية. (14) انطلقوا  
جميعاً في ضحكة واحدة أشبه بكاء جماعي. (15) انفتح باب الغرفة المجاورة  
بعنف واندفع علي غاضباً. (16) انهمال عليه بعضهم بالضرب وراح البعض  
يتفرجون. (17) كان قد بلغ منتصف الأسفلت حين زعقت بقره سيارة أجرة

مسرعة وانصبت على رأسه شتائم السائق. 18) ما لكما متوقفان عن العمل؟  
 هيا لقد انصرف الأحمق فعودا إلى العمل. 19) عوضا عن أن يركز كل  
 اهتمامه في صحن الحساء فقد انشغل قليلا بتفحص الوجوه المحيطة بالمائدة  
 فقبل أن يوضع الصحن على المائدة اندلقت منه قطرات على كتف الضابط  
 فوق الرتبة تماما. 20) هز إبراهيم كتفيه وانعطف إلى المطبخ مصفرا لحنا. 21)  
 هي لا تبكي... لا صوت ولا نأمة مجرد دموع غزيرة تنهمر وتدافع على  
 الخدين المغضنين. 22) «صحيح يا زينب، صحيح ولكن نستطيع أن نمثل  
 الدور» وانحنى بصورة مسرحية قائلا مداعبا: «أنا أدعو الآنسة الجميلة إلى  
 مشاهدة فيلم هذا المساء». 23) انبختت سعاد ودحرت بلا هوادة فحاولت  
 التملص من المأزق. 24) هي جميلة حقا... حتى الفيلات الحديثة هنا تنسجم  
 مع الجوالشرقي. 25) الآن تنضم موجتنا العاملة إلى موجات البرنامج العام.

26) نمضي وتبقى العيشة الراضية

وتتمحي آثارنا الماضية. (من رباعيات عمر الخيام)

*477-ماشқ. Қўйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Боғимизда пишиб етилган мевалар бўронда ерга гур тўкилди. 2. Иккинчи жаҳон уруши Европанинг барча ҳудудларида бир вақтда аланга олган. 3. Шаҳримизда машиналар сони чексиз ошиб кетди, шунинг учун кўчаларда автомобиллар оқими кечасию кундузи узиламайди. 4. Самолёт тайёрагоҳдан катта тезлик билан кўтарилди. 5. Тоғ устидаги қор сувлари бетўхтов оқиб тушади ва дарё сувларига қўшилиб кетади. 6. Ўтган йили қишлоғимиздан ҳеч бир аёл ўз жонига қасд қилмаган. 7. Икки ўғил оналарининг олдига киришди ва унга таъзим қилиб эгилишди. 8. Синглим хонада бир муддат турди ва ашулани эшитиб бўлганидан кейин ошхона томонга йўл олди. 9. Ёнғиндан чиқаётган тутун бутун ўрмонга ёйилиб

кетди. 10. Бугун эрталаб араб тили дарси бўлмади ва талабалар хурсанд ҳолда уйларига жўнадилар.

§ 119. VII БОБ ФЕЪЛИНИНГ ШАРТ МАЙЛИ

§ 120. VII БОБ ФЕЪЛИНИНГ БУЙРУҚ МАЙЛИ

§ 121. VII БОБ ФЕЪЛИНИНГ ИСТАК МАЙЛИ

478-машқ. Қуйидаги феълларни шарт майлида тусланг:

انْفَلَع - кетмоқ; انْسَاب - оқмоқ; انْبَعَثَ - келиб чиқмоқ;  
انطَلَى - муваффақиятли чиқмоқ; انْفَرَدَ - узлатга чекинмоқ;  
انْخَلَعَ - узилиб чиқмоқ; انْفَصَلَ - ажралмоқ; انْقَضَ -  
парчаланмоқ; انْقَضَى - ўтмоқ; انْكَسَرَ - синмоқ.

479-машқ. Қуйидаги феълларни буйруқ майлида тусланг:

انْصَدَّ - уриб қайтарилмоқ; انْعَزَلَ - узлатга кетмоқ; انْفَتَحَ -  
очилмоқ; انْصَرَفَ - жўнамоқ; انْعَقَدَ - чақирилмоқ; انْفَرَجَ -  
парчаланмоқ; انْصَلَحَ - яхшиланмоқ; انْعَكَفَ - ёлғиз яшамоқ;  
انْفَرَشَ - тўшалмоқ; انْصَابَ - адо бўлмоқ; انْعَادَ - қайтарилмоқ;  
انْقَضَ - парчаланмоқ.

480-машқ. Қуйидаги феълларни истак майлида тусланг:

انْقَسَمَ - бўлинмоқ; انْقَضَى - ўтмоқ; انْقَامَ - ўрнатилмоқ;  
انْقَصَرَ - оққа бўяммоқ; انْقَلَبَ - айланмоқ; انْكَرَشَ -  
қувилмоқ; انْكَسَرَ - синмоқ; انْكَشَفَ - кашф этилмоқ; انْكَمَدَ -  
ғамгин бўлмоқ; انْكَشَحَ - тарқалиб кетмоқ; انْكَفَأَ -  
узоқлашмоқ; انْكَسَكَ - ушлаб олинмоқ.

481-ماشق. Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, VII боб феълларининг майлини аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг;

1) أنتم تعذبون شعبنا ولا يحق لنا أن نتعذب ! انقلعوا ونحن نتدبر شؤوننا... انقلعوا! 2) الجماعة هنا أصبحوا أشد لؤما بعد يوم الأرض وما عادوا يتقون كثيرا حتى بعملائهم الحقيقيين... دعك من هذه المسرحية يا معلم، لن تنطلي اللعبة عليهم... 3) انطلقت نبيلة عائدة إلى منزلها... أما أمير فقد ظل واقفا في مكانه ولم ينطلق باتجاه المطعم. 4) في الحقيقة لديه فكرة عما ينبغي أن يقدم عليه. 5) يجب علي أن أتركك... يجب علينا أن ننفصل... من نحن حتى نتحدى كل هذه الرواسب والتراكمات البشعة؟ 6) سنخرج إلى ضاحية المدينة بعد أن تنقضي الصاعقة. 7) يا بنتي العزيزة لماذا لم تنهاري علي تعانقيني وتقبلين خدي. 8) كان من الضروري في الصباح الباكر المقبل أن يندفع والدها إلى سريرها ولكن لم يفعل هذا.

9) يا رب هل يرضيك هذا الظمأ

والماء ينساب أمامي زلالا (من عمر الخيام)

10) تحمل الداء ولا تطلبنّ له الدواء وانفرد بالشقاء. 11) إن يذبل الورد وينقض عهد بستانه لا يعود البلبل. 12) لماذا أظلمت صفحة مرآتك؟ هي أظلمت بالسبب التالي: قد علاها الصدا ولم ينفصل عنها. 13) كان لديه إناء ولكن لم يجد سبيلا إلى الماء فلما وجد الماء انكسر الإناء. 14) هذه المائدة دائمة ولن ينقطع ورودها إليكم. 15) مجلسنا رائع ونريد ألا ينقضي هذا المجلس ولا ينقض خوان الكرم. 16) أود بكل قلبي أن أندفع بجواد الهمة نحوالنجوم. 17) هذا كلام وذلك الصوت لم ينبعثا من فكرك. 18) قال الأرنب: أين لي قدم لأسير وقد ضاعت يداي وقدماي ويريد قلبي أن ينخلع

من جسمي؟ (19) كن مستقيما كالسهم وانطلق من القوس فكل سهم مستقيم ينطلق بلا شك من القوس. (20) العقلاء جميعا ينحنون لمن ينحني لهم. (21) تفرقوا أيها الواقفون بقرب هاتين الجيفتين وانصرفوا مسرعين. (22) توارى النور الضئيل وغمرت الظلمة الأودية قبل أن تنهمر الثلوج بغزارة. (23) لم يقبض الرعب على نفوس الفلاحين ولم تنزول بهائم بقرب المعالف. (24) أجاب خليل قائلا: النور الحقيقي ينبثق من داخل الإنسان. (25) إن عاد متضرعا متظاهرا بالتوبة لا تفتحوا له الأبواب، الأفعى إذا سجت في القفص لن تنقلب حمامة. (26) جف زيت السراج فشح نوره ببطء ثم انطفأ. (27) أريد أن أنقلب بحيرة هادئة وأريد أن تنعكس على وجهي أشعة القمر والنجوم. (28) متى تذب هذه الثلوج وتفتح الطرقات نذهب إلى الجبل. (29) أما اللبنايون فيظلون صامتين وقلوبهم المغلفة بالتراب لن تنعكس وأمواتهم لن يبكوا. (30) من قلب المرأة الحساس يجوز أن تنبثق سعادة البشر.

*482-машқ. Қўйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:*

